

**Нуриддинова Муяссар Мухиддиновна,**  
Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт  
университети "Миллий спорт турлари, ўйинлари  
назарияси ва услубияти" кафедраси мустақил  
изланувчиси, Халқ таълими аълочиси

# МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРДА ҲАРАКАТ КҮНИКМА ВА МАЛАКАЛАРИНИ ШАКЛАНТИРИШДА ҲАРАКАТЛИ ЎЙИНЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ МЕТОДИКАСИ

УДК:796:338.28:078 (1-4)

---

**НУРИДДИНОВА М.М. МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРДА ҲАРАКАТ КҮНИКМА  
ВА МАЛАКАЛАРИНИ ШАКЛАНТИРИШДА ҲАРАКАТЛИ ЎЙИНЛАРДАН  
ФОЙДАЛАНИШ МЕТОДИКАСИ**

Мақолада мактабгача ёшдаги болаларда ҳаракатли ўйинларни ўтказиш методикаси ҳамда жисмоний тарбия машғулотида қўлланиладиган ҳаракатли ўйинлар мазмуни ёритилган.

Таянч сўз ва тушунчалар: мактабгача ёш даври, боланинг жисмоний ривожланиши, ҳаракатланиш тартиби, кўникма ва малакалар, ҳаракатли ўйин.

---

**НУРИДДИНОВА М.М. МЕТОДИКА ФОРМИРОВАНИЯ ДВИГАТЕЛЬНЫХ УМЕНИЙ  
И НАВЫКОВ У ДЕТЕЙ ДОШКОЛЬНОГО ВОЗРАСТА С ИСПОЛЬЗОВАНИЕМ  
ПОДВИЖНЫХ ИГР**

В статье освещаются методические рекомендации по организации проведения подвижных игр с детьми дошкольного возраста в процессе занятий физического воспитания.

Ключевые слова: период дошкольного возраста, физическое развитие ребенка, двигательный режим, умения и навыки, подвижные игры.

---

**NURIDDINOVA M.M. METHODS OF USING MOTIONAL GAMES FOR PRESCHOOLERS IN  
ORDER TO DEVELOP MOVEMENT ABILITIES AND SKILLS**

The mobility games the methodology of conducting mobility games among pre-school children and the content of the mobility games implementation in the physical trainings are highlighted in this article.

Key words and concepts: Preschool age, physical development of the child, motor mode, practice and skills, motional games.

### **Кириш.**

Мактабгача тарбия таълим тизимининг бирламчи ва энг муҳим бўғини ҳисобланади. Соғлом генофондни, етук кадрларни тарбиялаш, аввало, шу тизимдан бошланади. Бироқ шу пайтгача бу тизим ривожланишдан ортда қолган эди. Охирги 20 йил давомида давлат тасарруфидаги мактабгача таълим муассасалари сони 45 фоизга камайган. Оқибатда мактабгача ёшдаги болаларнинг 33 фоизини боғчалар билан қамраб олинган, холос. Бу кўрсаткич Данияда 99 фоиз, Японияда 97 фоиз, Жанубий Кореяда 95 фоизни ташкил этади. Мактабгача таълим муассасаларида болаларни ижтимоий, шахсий, ҳиссий, нутқий, математик, физико-психологик, жисмоний ва ижодий ривожлантириш бўйича таълим дастурлари жорий этилмаган. Умуман, боғчалар "Ота-она ишда бўлган вақтда болага қараб турадиган муассаса"га айланиб қолган<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикаси бола қамрови бугунги кун ҳолатига 39 фоиздан ошганлиги, 5-7 ёшдаги болаларни мактабгача тайёрлаш ишлари сифатли кечётганлиги ҳам, мамлакатимизда мактабгача таълим ривожланиб бораётганлигидан дарак беради. Республикада бугун 7140 дан ортиқ давлат ва нодавлат мактабгача таълим муассасалари фаолият юритиб, уларда 2 699 499 нафар мактабгача ёшдаги болалар тарбияланмоқда<sup>2</sup>.

Маълумки, боланинг ривожланиши ва ўсиши узлуксиз давом этадиган жараёндир. Бу даврда унинг шахс сифатида шаклланиши, илк бор атрофни ҳодиса ва буюмлар орқали англаб, ундан ўзича маъно топишга интилиши, қизиқиш ва ҳиссиётлари ривожланишини кузатамиз. Болалар жисмоний тарбиясини тўғри ташкил этиш, кичкентойнинг илк ёшдан соғлиғини мустаҳкамлаш ва ҳар томонлама ўйғун ривожлантириш давр талаби ҳисобланади. Боланинг жисмо-

ний ривожланиши қонуниятлари ва унинг илк ҳаракатларига имкон яратиш, таълимтарбиявий жараённинг мазмуни ва методларини ишлаб чиқишига илмий ёндашиш, жисмоний ҳаракатланишнинг зарур кўникмаларини тарбиялаш; турли машғулотларда ва ўйин фаолиятида мустақил фикрлашга, жисмоний тарбия ва спортга бўлган қизиқишиларини тарбиялашга оид муҳим масалаларни ҳал этади. Ҳаётнинг ҳар бир даври, ривожланиш хусусиятлари ва эҳтиёжларига кўра ўзига хос босқичларга эга. Боланинг ўсиб, улғайишида жисмоний фаоллик, асосий ҳаракатлар тартиби муҳим ҳисобланиб, айнан шу жараёнлар тўғри, ҳаракатли ўйинлар орқали тизимли равишда ташкиллаштирилса, бола шахсининг ўйғун ҳолда ривожланишига хизмат қиласди.

**Мавзунинг долзарблиги.** Мавжуд илмий тадқиқотлар ҳамда ўқув-методик қўлланмаларни кузатиб, шуни гувоҳи бўлиш мумкинки, Мактабгача ёшдаги болаларда жисмоний кўникма ва малакаларни ривожлантиришда ҳаракатли ўйинлардан фойдаланиш методикаси мамлакатимизда алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган.

Ҳаётнинг ҳар бир даври, ривожланиш хусусиятлари ва эҳтиёжларига кўра, ўзига хос босқичларга эга. Боланинг ўсиб, улғайишида жисмоний фаоллик, асосий ҳаракатлар тартиби муҳим ҳисобланиб, айнан шу жараёнлар тўғри, ҳаракатли ўйинлар орқали тизимли равишда ташкил этилиб, татбиқ этилса бола шахсини нафақат жисмоний тараққий этишига балки ҳар томонлама ўйғун ривожлантиришга хизмат қиласди.

### **Мавзунинг ўрганилганлик даражаси.**

Республикамида ҳаракатли ўйинлар борасида қатор илмий ишлар амалга оширилган. Жумладан, Т.С.Усмонхўжаев, Ф.А.Керимов, Х.А.Мейлиев, О.А.Сафаров, Ш.А.Пулатов, А.А.Пулатов, А.А.Расулов, Д.Ж.Шарипова, Г.Ж.Туленова, М.И.Машарипова, F.А.Салимов, С.С.Тажибоев, Р.А.Йўлдошева тадқиқотларида мактаб ёшидаги болаларни ҳаракатли ўйинлар орқали тарбиялаш муаммосининг турли жиҳатларига эътибор қаратилган бўлиб, ушбу илмий адабиётларнинг таҳлилий ўрни тадқиқот ишида беқиёсдир. Шунингдек, хорижий мутахассислардан Д.В.Менджерицкая, М.А.Вавилова, Н.Т.Лебедева, А.В.Кенеман, Д.В.Хухлаева, М.Ф. Литвинова, В.Г.Фролов,

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигига 2017 йили 19 декабрь куни мактабгача таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларни таҳлил қилиш ва истиқболдаги вазифаларни белгилаб олишга бағишлиланган видеоселектор йиғилишидаги маъруза. – <http://kun.uz/uz/93807807>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 майдаги "Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилларгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПҚ-4312-сонли қарорининг 1-3 иловалари. Lex.uz/docs/4327235

Г.П. Юрко, Л.И.Пензуллаева, А.А.Акиева, Г.О.Осокина, Я.А.Андреев, Б.Б. Чумаков, А.К.Бондаренко, А.И.Матусик, G.L.Landret; S.L.Crogh<sup>1</sup> каби олимлар ҳам бу соҳанинг кенг ёйилиши ва ривожланишига ўз таъсирини кўрсатган. Мавжуд илмий тадқиқотлар ҳамда ўқув-методик қўлланмаларни кузатиб, шуни гувоҳи бўлиш мумкинки, Мактабгача ёшдаги болаларда жисмоний кўникма ва малакаларни ривожлантиришда ҳаракатли ўйинлардан фойдаланиш алоҳида тадқиқот обьекти сифатида ўрганилмаган.

**Тадқиқот обьекти ва предмети.** Тадқиқотнинг обьекти сифатида Тошкент шаҳар Олмазор туманидаги 551-сонли мактабгача таълим ташкилотининг З ёшдан 7 ёшгача бўлган тарбияланувчилари ҳар бир гуруҳ кесимида 24 нафардан, жами 96 нафар иштирокчиларнинг жисмоний ривожланганлик кўрсаткичлари (меъёрий машқлар) танлаб олинди.

**Мақсад ва вазифалари.** Тадқиқотнинг мақсади мактабгача ёшдаги болаларда жисмоний кўникма ва малакаларни ривожлантиришда ҳаракатли ўйинларни қўллаш методикасини ишлаб чиқишидан иборат. Ушбу мақсадга кўра қўйидаги вазифалар танлаб олинди:

- мактабгача ёшдаги болаларни ёш кесимида жисмоний ривожланганлик кўрсаткичларини аниқлаш ва жисмоний ҳаракатларни бажариш кўникма ва малакаларни ошириш бўйича тажриба ўтказиш;

<sup>1</sup> Усмонхўжаев Т.С. Миллий ва ҳаракатли ўйинлар. - Т.: 2015.; Усмонхўжаев Т.С. Мактабгача таълим муассасаларида жисмоний тарбия. - Т.: 2006; Литвинова М.Ф. Русские народные подвижные игры. - М.: 1985; Фролов В.Г. Юрко Г.П. Физкультурные занятие на воздухе с детьми дошкольного возраста. - М.: 1983; Усмонхўжаев Т.С., Хўжаев Ф.Ф. Ҳаракатли ўйинлар. - Т.: 1992; Усмонхўжаев Т.С. 500 ҳаракатли ўйинлар. - Т.: 2016; Усмонхўжаев Т.С. Мелиев X.А. Жисмоний тарбия. - Т.: 2003; Менджерицкая Д.В. Воспитателю о детской игре. - М.: 1984; Глазырина Л.Д. Физическая культура - дошкольникам. - М.: 1999; Лэндрет Г.Л. Игровая терапия: искусство отношений. - М.: 1998; Пензуллаева Л.И. 5-6 ёшли болалар учун жисмоний тарбия, машғулотлари. - Т.: 1992; Каримов М.К. Болалар боғчасида жисмоний тарбия. - Т.: 2004; Йўлдошева Р. Узбек халқ ўйинларининг тарбиявий аҳамияти. - Т.: 1992; Азизова Р. Спорт ва ҳаракатли ўйинларни ўқитиш методикаси. - Т.: 2010; Раҳимқулов К. Миллий ҳаракатли ўйинлар. - Т.: 2012; Керимов Ф.А. Якка кураш элементларига эга бўлган ҳаракатли ўйинлар. - Crogh S.L. Educating young children. USA 1996.

- мактабгача ёшдаги болаларда жисмоний ҳаракатларни бажариш кўникма ва малакаларини ривожлантиришда қўлланиладиган ҳаракатли ўйинлар методикасини ишлаб чиқиш;

- мактабгача ёшдаги болаларда жисмоний ҳаракатларни бажариш кўникма ва малакаларини ривожлантиришда ҳаракатли ўйинлар методикасини амалиётга татбиқ этиш юзасидан амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

#### **Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қўйидагилардан иборат:

- мактабгача ёшдаги болаларни ёш кесимида жисмоний ривожланганлик даражалари (антропометрия, динометрия, спирометрия, фаол ҳаракатланиш) аниқланди;

- мактабгача ёшдаги болаларни жисмоний ривожлантириш ва ҳаракатларни бажариш кўникма ва малакаларини ошириш бўйича дастур ишлаб чиқилди;

- мактабгача ёшдаги болаларда ҳаракатларни бажариш кўникма ва малакаларини шакллантиришда фойдаланиладиган ҳаракатли ўйинларни қўллаш бўйича ўқув қўлланма яратилди;

- мактабгача ёшдаги болаларда жисмоний ҳаракатларни бажариш кўникма ва малакаларини ривожлантиришда ҳаракатли ўйинлар методикасини амалиётга татбиқ этиш юзасидан амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Тадқиқотда қўлланилган усуллар:** адабиётлар таҳлили, педагогик кузатув, антропометрия, математик-статистик методлар.

#### **Тадқиқотни олиб борилиши.**


**Тадқиқот натижалари ва қиёсий таҳлили.** Мактабга тайёрлов назорат ва тажриба гуруҳлар кўрсатган натижаларининг педагогик тажриба давомида ўсиши назорат гуруҳида тажриба гуруҳидаги мос кўрсаткичларни ўсишидан пастлиги аниқланди. Уларга кўра, ушбу мактабга тайёрлов назорат гуруҳида ўсиш (10,51%) синалавчиларнинг вазнида ва (12,37%) синалавчиларни 10 метр масофага югуриш машқни бажаришда, энг кам ўсиш (4,85%) турган жойида узунликка сакрашга тааллуқли бўлиб, тажриба гуруҳи бўйича ўртача ўсиш 7,49% ни ташкил қилган.

Тажриба гуруҳи синалавчилари эса энг катта (20,71%) (электрон) сакрағичда сакраш

**1-жадвал. Мактабга тайёрлов гуруҳ (6-7) ёш назорат (анъанавий дастур бўйича) ва тажриба (такомиллашибирлигидан «Болажон» дастури бўйича) гуруҳларида педагогик тадқиқот давомида ўзгаришлар динамикаси (n=24)**

№	Тест-машқлар	гуруҳ	Тажриба боши:			Тажриба охири:			Ўсиш, %	t	P
			$\bar{x}$	$\sigma$	V, %	$\bar{x}$	$\sigma$	V, %			
1.	Синалувчиларнинг тана узунлиги (см)	НГ	114,58	9,61	8,39	121,67	9,18	7,54	6,18	2,57	<0,05
		ТГ	114,92	7,80	6,79	123,33	7,52	6,10	7,32	3,81	<0,001
2.	Синалувчиларнинг вазни (кг)	НГ	20,86	2,83	13,56	23,05	2,94	12,77	10,51	2,63	<0,05
		ТГ	21,83	3,07	14,06	24,53	3,09	12,61	12,37	3,04	<0,01
3.	10 м масофага югуриш (сония)	НГ	2,55	0,39	15,46	2,34	0,39	16,54	8,17	1,85	>0,05
		ТГ	2,48	0,37	14,85	2,08	0,30	14,16	16,44	4,20	<0,001
4.	Турган жойида узунликка сакраш (см)	НГ	101,42	10,06	9,92	106,33	9,70	9,12	4,85	1,72	>0,05
		ТГ	107,75	12,39	11,50	117,92	14,11	11,97	7,49	2,65	<0,05
5.	150 грамм қумли халтачани улоқтириш (м)	НГ	4,89	0,50	10,15	5,27	0,52	9,44	7,67	2,55	<0,05
		ТГ	5,23	0,82	15,66	6,20	0,79	12,76	18,66	4,20	<0,001
6.	Арқонда сакраш	НГ	14,33	2,15	14,97	15,42	1,93	12,51	7,56	1,84	>0,05
		ТГ	14,08	2,31	16,43	17,00	2,70	15,86	20,71	4,02	<0,001

**1-диаграмма. 6-7 ёшли мактабга тайёрлов тажриба ва назорат гуруҳлари синалувчилари танланган машқлар бўйича кўрсатган натижалари учун ҳисобланган Стыюдент критик мезони қийматлари.**



ва (7,56%) 150 грамм қумли халтачани улоқтириш машқларини бажаришда, 16,66 (7,67%) синалувчиларни 10 метр масофага югуриш вақтида кўрсаткичлари 16,44 (8,17%), гуруҳ бўйича ўртача 14,3% ўсишга эришилган (1-жадвал, 2-диаграмма).

6-7 ёшли мактабга тайёрлов синалувчилар гуруҳларининг тажриба гуруҳи натижаларини назорат гуруҳига нисбатан устунлиги тажриба ва назорат гуруҳларидаги кўрсаткичларнинг ўртача арифметик қийматларини педагогик тажриба давомида ўзгаришини белгиланган эркинлик даражаси асосида Стыюдент критик қийматлари асосида статистик ишончлилигини аниқлашда ҳам кузатилди. Жумладан, назорат гуруҳида синалувчилар бўйлари

( $t_{ct}=2,57$ ), вазнлар ( $t_{ct}=2,63$ ) ва 150 грамм қумли халтачани улоқтириш ( $t_{ct}=2,55$ ) натижалари педагогик тажриба давомида ( $p<0,05$  аҳамиятлилик даражасида) статистик ишончли ўзгарғанлиги аниқланди. Қолган учта кўрсаткичлар бўйича ( $t_{ct}$  қийматлари 1,72 ва 1,85 оралиғида ўзгаради) педагогик тажриба давомидаги ўзгаришлар статистик ишончсиз ( $p>0,05$ ) эканлиги кузатилди. Шунинг билан бирга, тажриба гуруҳи синалувчилари барча кўрсаткичлар бўйича кўрсатган натижалари ўртача арифметик қийматлари педагогик тажриба давомида статистик ишончли: уларни статистик ишончлилиги энг паси ( $p<0,05$  ва  $t_{ct}=2,65$ ) синалувчиларни турган жойида узунликка сакраш машқда; ундан

яхшироғи ( $p<0,01$ ;  $t_{ct}=3,04$ ) синалувчиларнинг вазнида ва қолганларида жуда ишончли ( $t_{ct}$  қийматлари 3,81 ва 4,20 оралиғида тебраниб;  $p<0,001$ ) ўзгаришлар кузатилган.

Мактабгача ёшдаги тажриба гуруҳлари болаларининг ёш кесимида жисмоний ривожланганлик кўрсаткичи (антропометрия) ва танланган тестлар бўйича кўрсатган натижалари ўртача арифметик қийматлари педагогик тажриба давомида статистик ишончли ўзгарганлиги биз ишлаб чиқсан ҳамда тажриба гуруҳида қўлланган Такомиллаштирилган «Болажон» дастурини назорат гуруҳида қўлланган анъанавий дастурга нисбатан юқори самарадорлигини кўрсатди. Тўртинчи бобнинг 4.3-бўлимида мактабгача ёшдаги катта ва мактабга тайёрлов гуруҳлари болаларининг функционал кўрсаткичларини педагогик тажриба давомида ўзгариши берилган.

**Хулоса.** Мактабгача таълим муассасаларида тарбиячи (йўриқчи) ўйинга раҳбарлик қилиш чоғида болаларга ўйин мазмуни, шарти ва қоидаларини яхси тушунтириши ва ролларни тўғри тақсимлай олиши зарур. Болаларни ҳаракатли ўйинларни ўйнашга тайёрлашда уларнинг соғлигини мустаҳкамлаш, ҳаракат малакаларини ошириб, ривожлантириб бориш ҳам назарда тутилади. Ўйинни ташкил этишда барча шарт-шароитларни ҳисобга олиш ва ўйинга мос жиҳозларни танлаш, иштирокчилар сонига тенг тақсимлаш ҳамда ўйин жараёнини кузатиш ва якунида тўғри йўналтириши ҳам жуда муҳим.

Жисмоний тарбия машғулотида қўлланиладиган ҳаракатли ўйинлар асосан, берилган асосий ҳаракат турини мустаҳкамлашга қаратилади. Масалан, отиш ва ирғитиш ҳаракатларини ўргатиш натижасида йирик ва майда моторикага йўналтирилган ҳаракатли ўйин берилса, натижада болада машқ бажариш баробарида юриш, югуриш, сакраш, улоқтириш, илиб олиш, ирғитиш малакалари секин-аста шаклланиб, ҳаракатли ўйин эса улар эгаллаган кўникмаларини мустаҳкамлашда ёрдам беради.

Педагогик тажриба давомида мактабгача ёшдаги кичик (3-4 ёшли), ўрта (4-5 ёшли), катта (5-6 ёшли) ва мактабга тайёрлов (6-7 ёшли) гуруҳлар тажриба гуруҳлар синалувчи болаларининг ёш кесимида жисмоний ривож-

ланганлик кўрсаткичи (антропометрия) ва тезкор-куч сифатларини ўрганиш учун танланган тестлар бўйича кўрсатган натижалари ўртача арифметик қийматлари педагогик тажриба давомида мос ёшлардаги назорат гуруҳлари натижаларига нисбатан юқори (3-4 ёшли болаларда НГда 6,35%, ТГда 13,35%; 4-5 ёшлиларда НГда 6,74%, ТГда 14,92%; 5-6 ёшлиларда НГда 7,22%, ТГда 14,30%; 6-7 ёшлиларда НГда 6,96% ва ТГда 13,17%) ва статистик ишончли ўсганлиги биз ишлаб чиқсан ҳамда тажриба гуруҳида қўлланган Такомиллаштирилган «Болажон» дастурини назорат гуруҳида қўлланган анъанавий дастурга нисбатан юқори самарадорлигини кўрсатди.

Хулоса қилиб айтганда, ҳаракатли ўйинлардан ўз ўрнида гуруҳларга ажратиб, тарбияланувчининг ёши ва жисмоний имкониятини инобатга олиб, машғулот шакли ва мақсадига кўра, ташқи мавсумий омилларга ҳамда худудий шароитлардан фойдаланган ҳолда ташкиллаштириш мактабгача ёшдаги болаларни ҳар томонлама ривожлантириша муҳим аҳамият касб этади.

### Амалий тавсиялар.

Йирик моторикани ривожлантиришга йўналтирилган ҳаракатли ўйинлар ва уни ташкил этиш тартиби

#### 1. *“Қувлашмачоқ” ўйини.*

Ўйиннинг мақсади: болаларни чаққон ҳаракат қилишга ва тезлик билан югуришга ўргатиш.

*Керакли жиҳоз ва шароитлар:* хавфсиз, текис майдонча.

Ўйиннинг бориши: ўйинчилар жуфт-жуфт бўлиб қаторга сафланадилар, қатор олдида икки уч метр нарида тутувчи қилиб сайланган бола олдинга қараб туради. Тарбиячи ишорасидан кейин болалар бири чап томондан, иккинчиси ўнг томондан югурадилар. Улар қатор олдига югуриб чиқадилар ва қўл ушлашиб тутувчининг олдига туриб олишга ҳаракат қиласи. Тутувчи болалар қўл ушлашиб олишдан аввал улардан бирини тутиб олишга ҳаракат қиласи. Шериксиз қолган бола тутувчи бўлади. Агар тутувчи бола ҳеч кимни тута олмаса яна бир марта ҳаракат қиласи. Ўйин шу тариқа давом этади. Ўйин барча болалар югуриб чиққандан сўнг тугайди. Шундан кейин янги тутувчи сайланади.

## **2. "Тўсиқдан сакра" ўйини.**

Ўйиннинг мақсади: болаларни тезлик билан сакрашга ва масофани чамалашга ўргатиш.

*Керакли жиҳоз ва шароитлар:* сакраш учун ажратилган хавфсиз жой.

Ўйиннинг бориши: иштирокчилар ўйинбоши кўрсатмасига асосан мусиқа садолари остида сакрашни машқ қиласидилар, тарбиячи болаларни турган жойида икки оёқлаб сакрай олишларини кузатади. Сўнг "вақт келди" деб ишора беради. Иштирокчилар белгиланган масофадан тўсиқлардан сакраб ўтишлари лозим бўлади. Ўйинни яхши сакрай олган болалар якунлаган бўлади, сакрай олмаган болалар билан якка тартибда шуғуллантирилади.

Майда моторикани ривожлантиришга ўйналтирилган ҳаракатли ўйинлар ва уни ташкил этиш тартиби

## **1. "Учинчиси ортиқча" ўйини.**

Ўйиннинг мақсади: болаларни ҳамжиҳат бўлиб ўйнашга ва тез фикрлашга ўргатиш.

*Керакли жиҳоз ва шароитлар:* майдонча ва буюмлар, расмлар солинган қути.

Ўйиннинг бориши: болалар учун алоҳида қутилар тайёрланади. Тарбиячи томонидан қутиларни бир вақтда очишга ишора берилади. Болалар жуфтликда ушбу қутиларни очиб кўриб, ундаги бир-бираига мувофиқ келадиган буюмларни ушлаб кўрадилар, буюмлар орасидан ортиқчасини ажратиш керак бўлади. Сўнг тарбиячи болалардан қайси бую нима учун ортиқчалигини сўрайди. Ўйин шу тариқа давом якунланади.

## **2. "Кимда?" ўйини**

Ўйиннинг мақсади: болаларни хотирасини ривожлантириш.

*Керакли жиҳоз ва шароитлар:* турли ҳажмдаги ўйинчоқлар, ўйинчи кўзини боғлаш учун рўмол.

Ўйиннинг бориши: майдон ўртасида ерга бир қанча предметлар, ўйинчоқлар қўйилган бўлиб, доира бўлиб туриб олган болалар дикқат билан предметларни кўриб оладилар ва 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7 кетди деб санайдилар «Кетди» сўзи кимга тақалса шу қатнашувчи кўзини юмиб туради. Болалардан бири келиб битта буюмни ўзи билан олиб кетади ва орқасига яширади. Кўзи юмилган бола ана шу йўқолган предметнинг номини ва қайси болада эканлигини топиши керак. Ўйин якун-

лангунча болалар бир-бирлари билан жой алмашадилар.

Сенсомоторикани ривожлантиришга ўйналтирилган ҳаракатли ўйинлар ва уни ташкил этиш тартиби

## **1. "Рангли доиралар" ўйини.**

Ўйин мақсади: болаларни ҳамжиҳат бўлиб ўйнашга, рангларни ажратишга ва тез ҳаракатланишга ўргатиш.

*Керакли жиҳоз ва шароитлар:* ўйин майдонча ва рангли қофоздан кесилган доиралар ва рангли бўрлар.

Ўйиннинг бориши: ўйинда болалар доира бўлиб турадилар. Тарбиячи болаларга уларнинг хоҳишига кўра турли рангдаги доираларни тарқатиб чиқади. Барча иштирокчилар тайёр бўлса тарбиячи "Қизил доиралар тўплансин" деб ишора беради. Қўлида қизил доиралар бор болалар бир жойга яъни қизил рангда чизилган кенг доира ичидаги қўл ушлаби туриб оладилар. Ўйин бошқарувчи қайси рангдаги доираларни чақирса, шу рангдаги доирачалар кенг давра бўлиб белгиланган жойларига туриб оладилар. Ўйин шу тариқа якунланади.

## **2. "Номини эслаб қол" ўйини.**

Ўйин мақсади: болалардаги хотира дикқат ва эслаб қолиш қобилиятларини ривожлантириш, ҳамда табиат ҳақидаги билимларини мустаҳкамлаш.

*Керакли жиҳоз ва шароитлар:* ўйин майдончаси.

Ўйиннинг бориши: болалар кичик гуруҳларга бўлиниб турадилар. Ўйинбоши ҳар-бир гуруҳга уларнинг хоҳишига қараб битта мавзу танлайди, масалан, "Табиат", "Мевалар", "Сабзавотлар" каби. Гуруҳ иштирокчилари яна биттадан ўзига шу гуруҳга мос нарсаларни танлайди ва ҳамманинг олдида эълон қиласиди. Масалан, "Сабзавотлар" гуруҳидан лавлаги, картошка ва бошқалар танланади. Гуруҳлар аралаштириб юборилади ва ҳар бир гуруҳдан биттадан ўйинчи чиқиб, бир иштирокчини танлаб қайси гуруҳданлигини айтади. Ўйин 12-16 нафар боладан иборат гуруҳ учун қулай бўлиб, шу тартибда якунланади.

**Адабиётлар рўйхати:**

1. Усмонхўжаев Т.С. ва бош. Миллий ва ҳаракатли ўйинлар. Т.: "Иқтисод-молия" 2015.
2. Усмонхўжаев Т.С. Спорт ва ҳаракатли ўйинлар. Т.: Чўлпон НМИУ. 2018.
3. Керимов Ф.А. Спортда илмий тадқиқотлар. - Т.: Илмий техника ахбороти-Пресс нашриёти, 2018.